

"Ўзавтойўл" АК раҳбариятида янги тайинланиш



Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг 2016
йил 28 октябрдаги 367-сонли
қарори билан Обид Адилов
"Ўзавтойўл" акциядорлик
компанияси бошқаруви
райсининг ўринбосари – бош
муҳандиси лавозимига
тайинланди.

Обид Чориевич Адилов – 1983
йилда Бухоро вилояти Олот туманида туғилган, миллати ўзбек. 2008 йилда Тошкент
автомобиль ва йўллар институти магистратурасини тамомлаган. Ўтган йиллар давомида
"Ўзавтойўл" компанияси тизимидаги қатор корхона ва ташкилотларда меҳнат қилган.

Ҳозирги лавозимга тайинлангунига қадар "Автомагистраль" ихтисослашган автомобиль
йўллари қуриш-таъмирлаш бирлашмаси Тошкент халқа автомобиль йўлидан фойдаланиш
участкаси бошлиғи вазифасида ишлаган.

Эслатиб ўтамиз, "Ўзавтойўл" акциядорлик компанияси бошқаруви райсининг
ўринбосари–бош муҳандиси компаниядаги автомобиль йўллари қуриш, таъмирлаш ва
эксплуатация қилиш, инвестицион лойиҳаларнинг техник назорати, шунингдек, транспорт,
механизация ва техник таъминот соҳаларига раҳбарлик қилади.

"Ўзавтойўл" АК матбуот хизмати